

## ИМОМ БУХОРИЙ ҲАДИСЛАРИДА ИЛМУ МАЪРИФАТ ҒОЯЛАРИНИ АКС ЭТИШИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-775-785>

**Султонов Т.**

ТДИУ, фалсафа фанлари номзоди, доцент

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада Ислом дини ҳадис илмининг буюк тафаккури Имом Бухорийнинг ҳадисларида илму маърифат ғоялари муҳокама қилинади. Жаҳонда дунёвий ва диний билимлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик алоқалари ривожланишидаги муносабатлар таҳлил этилади. Имом Бухорийнинг ҳаёт йўли ва унинг тўплаган ҳадисларида илм, маърифат, диндаги айрим ўзгаришлар бугунги шароитлар билан боғлиқ ҳолда анализ қилинади.*

**Калит сўзлари:** *Имом Бухорий, ислом дини, ҳадис, илм, маърифат, билим, шионч.*

### АННОТАЦИЯ

*Данная статья обсуждает отношения между убеждениями наукой и терпимост в Исламе в хадисах великого ученого Имама ал-Бухари, в то время имеют диалектическая отношение между светской и религиозной следовательно. Образ Имом Бухари и хадисы он собрал отражен анализы науки просветления, религиозной терпимости и изменений в религии.*

**Ключевые слова:** *Имам Бухари, ислам, хадис, религиозная терпимость, справедливость, знания, убеждения.*

### ABSTRACT

*This article discusses the relationship between science, eliefs tolerance in Islam in the Hadiths' of the great Hadith scholar Imam Bukhari, while there is increasing tension between secular and religious sciences in the world today. In particular, al-Buhari's way of life, and the hadiths he has collected reflects on the analysis of faith, science, enlightenment, religious tolerance and change of religion. It also focuses on reforms in Uzbekistan on freedom of religion tolerance, Islam and religious education.*

**Keywords:** *Imam Bukhari hadith, religious tolerace, faith knowledge, beliefs.*

## КИРИШ

Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да таъкидланганидек “Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”[1:92].

Ислом оламида диний бағрикенглик ғояларида илм-фан, маънавият ва эътиқод бирлиги масалаларига алоҳида урғу берилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг азиз юртимиз заминида етишиб чиққан дунёвий ва ислом оламида машҳур бўлган буюк алломаларнинг табаррук номларини тиклаш, муборак қадамжоларини обод қилиш, уларнинг улкан илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда миллий-диний кадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш имкони туғилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шу йўлда илгари тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган, том маънода тарихий ишлар амалга оширилди. Бутун мусулмон оламида тан олинган имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотрудий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолик Ғиждувоний, Бахоуддин Нақшбанд сингари буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий меросининг кенг ўрганилиши, юзлаб диний-тарихий ёдгорликлар, меъморий обида ва мажмуалар обод қилинган. Қуръони карим маънолари, аллома аждоқларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий мероси ўзбек, она тилимизга таржима қилингани ва бошқа кўплаб ишларни таъкидлашимиз ўринлидир.

Инсоният асрлар давомида ўзидан бошқа эътиқод вакиллариغا эътибор билан муносабатда бўлиш, уларнинг диний ҳис туйғуларига нисбатан ҳурмат ҳиссини намоён қилишдек фазилатни ҳам камол топтирганини қайд этиш лозим. Диний бағрикенглик ҳамиша диний заминдаги адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда мавжуд бўлишига, уларнинг соҳиблари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига замин яратган. Бу эса, ўз навбатида, тинчлик ва тараққиётга, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига хизмат қилган. Бугунги демократик ислохотларнинг янги босқичида жамиятимизда диний бағрикенглик ғоясининг устувор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бағрикенглик бизнинг дунёмиздаги хилма-хилликни ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Диний бағрикенглик маданиятининг биринчи унсурини муайян дунёвий билимлар замирида шаклланадиган диний билимлар, кадриятлар, эътиқод бирлиги ташкил қилади. Ҳозирги кунда кишилар, айниқса ёшларда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини

камол топтириш, мурасизликнинг ҳар қандай кўринишларига фаол салбий муносабатни шакллантириш инсониятнинг истиқболига дахлдор масалага айланди. Билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келадиган қадриятлар, баҳолар ҳам шунчалик мустақил бўлади. Улар бағрикенглик маданиятининг имкониятларини белгилаб беради ҳамда мурасизлик ва тақотсизликнинг турли кўринишлари йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади, бунда “бошқаларга”, уларнинг фаолиятига, “ўзгача” нарсалар ва ҳодисалар ўз қадриятларидан келиб чиқиб баҳо бемаслик учун муҳим аҳамият касб этади.

Пайғамбаримизнинг суннатлари Ислом дининг Қурони каримдан кейинги иккинчи асосий манба ҳисобланади. Суннат эса айнан ҳадис китобларида жамлангандир. Ҳадислар Ислом асосларини, унинг инсонпарварлик моҳиятини, маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий омилларининг инсон ҳаётидаги ўрнини теранроқ англашга хизмат қилади. “Ислом оламида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари тўпламининг ишончли манбаи деб эътироф этилган “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ тўплами барча муҳаддислар устози бўлмиш Имом Бухорийнинг кўп йиллик фидокорона изланишлари самарасидир. Ўн икки асрдирки, ушбу асар аҳамиятига кўра, муқаддас Қуръондан кейин ислом дини ҳақидаги иккинчи ишончли ёзма манба бўлиб қолмоқда. Нафақат бизнинг юртимиз, балки бошқа мамлакатларда ҳам минглаб, миллионлаб мусулмонлар бу табаррук зот туғилган Бухорои шарифга бориш ва унинг Самарқанддаги қабрини зиёрат қилишга интилиши бежиз эмас, албатта”[2.28]. Буюк ватандошимиз Имом Бухорий роҳимахуллоҳ Пайғамбар алайҳиссаломнинг энг ишончли ҳадисларидан иборат саҳиҳ тўплами тузиш шарафига муяссар бўлган улуғ зотдир. Унинг “Саҳиҳи Бухорий” китоби дунё мусулмон уламолари томонидан яқдиллик билан энг мўътабар ҳадис тўплами сифатида эътироф этилган. Бундай баҳога сазовор бўлган ҳадис тўплamlари уламолар ўртасида “кутуби тисъа” (тўққиз тўплам) деб юритилган. Улар куйидагилардир: 1. “Саҳиҳи Бухорий”. 2. “Саҳиҳи Муслим”. 3. “Сунани Абу Довуд”. 4. “Жомеъи Термизий”. 5. “Муттабон Насоний”. 6. “Сунани Ибн Можа”. 7. “Муваддон Малик”. 8. “Сунани Доримий”, 9. “Саҳиҳи Ибн Ҳаббон”.

Шуни катта фахр билан қайд этиш жоизки, ушбу рўйхатдан жой олган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насоний, Имом Доримий ва Имом Ибн Ҳаббон каби алломалар бетакрор диёримиз – қадимий Муворауннаҳр замини фарзандаларидир. Илму фазилатда беназир, ноёб ақл-идрок ва таҳлил салоҳиятига эга бўлган, хотира ва тафаккур борасида Ислом оламида намуна

дея эътироф этилган бу алломаларнинг китоблари юртимиз уламолари томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, “Олтин силсила” рукни остида кўп жилдлик қомусий тўплам шаклида 3 жилд қилиб нашрга тайёрланди ва чоп этилди[3:3].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Машхур мухаддис Имом ал-Бухорийнинг ишонли ҳадисларида илм ўрганиш ва ўргатишнинг фазилати ҳақида шундай ёзадилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: “Аллоҳ таоло менга юборган ҳидоят (Аллоҳ таоло бандаларига кўрсатган тўғри йўл йўлланма) сингари илм ҳам ёққан ёмғирга ўхшайди. Баъзи ер соф, унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдиради, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстиради ва баъзи ер қурғоқ, қаттиқ бўлиб, сувни сингдирмасдан ўзида тўплайди, ундан Аллоҳ таоло бандаларини фойдалантиради. Одамлар сувдан ичадилар, ҳайвонларини ва экинларини суғорадилар. Баъзи ер эса текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайди, кўкатни ҳам кўкартирмайди. Буларни қуйидагича қиёслаш мумкин: Бир киши Аллоҳ илмини (исломни) теран ўргангани, теран тушуниб, ундан манфаатланади ва Аллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатади. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатади. Аммо ўзи амал қилмайди. Учинчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайди, ўзгаларга ҳам ўргатмайди. Булардан биринчиси мўмин, иккинчиси фосиқ, учинчиси кофирдир”[4:24].

Имом ал-Бухорий ҳазратларининг ишонarli тўпламларидаги ҳадисларида мўмин кишига таъриф берилар экан, айтилади: “Ўзингиз яхши кўрган нарсани биродарларингизга раво кўрмагунингизча ҳеч бирингиз чинакам мўмин бўла олмайсиз”. [5:12] Мўмин бу аввало, илмли ва маънавийатли инсон, сўзи билан амали бир, виждонли, ҳалол, пок, инсоф-диёнатли, меҳр-муруватли, ҳайвоний нафсини тия биладиган, халқ, Ватан ишқи билан яшайдиган, адолатли, олижаноб фазилат соҳиби тушунилган. Бу фикрлардан шу аён бўладики, бирор-бир динга эътиқод қилишдан кўра эътиқодли бўлиш қийиндир, шунинг учун ҳам эътиқодли одам ўз роҳат-фароғати учун эмас, миллат, халқ равнақи учун ёниб яшайди, Ватанига, халқига хиёнат қилмайди. Оила ва мактабда, олий ўқув юртларида илмли ва эътиқодли шахсни тарбиялашда дастлаб маърифат, илм ва маънавийат орқали тўғрилиқ ва покликни шакллантириши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, комил инсон тарбияси устувор йўналишимиз бўлган ҳозирги кунда инсонни комиллик даражасига етказишга хизмат қиладиган таълимотларни ўрганиш давр талабидир. Фалсафий нуқтаи назардан

олиб қараганда, комиллик - инсоннинг етукликка эришувчи жараёнидаги баркамоллик даражасини ифодаловчи тушунчадир.

Ислом таълимоти бўйича “Комил инсон” тушунчаси Аллоҳ таолонинг одамни яратишдан кўзланган мақсадига тўлиқ жавоб бера оладиган ҳамда одамлар доимо орзу қилиб келадиган идеал шахсга нисбатан ишлатилади. Буларга, Пайғамбаримизни ва Муҳаммад (с.а.в.) ни, валий ҳамда азиз авлиёларни ва шуларга яқинлашиб қолган шахсларни мисол қилиб олиш мумкин. Ислом динида ахлоқий камолот жамият тараққиётини таъминлаш, ундан барча муаммоларни ечишнинг асосий, ҳал этувчи шарти сифатида талқин қилинади.

Имом ал-Бухорий нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқ-атвори, одамохунлиги, муруввати, ҳиммати ва беқиёс саховати билан ҳам бошқалардан тамомила ажралиб турган. У зехни ўткирлиги ва қувваи ҳафизасининг кучлилиги билан ҳам халқ орасида шуҳрат қозонган. Манбаларда ал-Бухорийнинг 600 минга яқин ҳадисни ёд билгани қайд этилган. Бухорий хориждан қайтгач, ватани Бухорода кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Кўпчилик уни ҳурмат қилган, аммо Бухоро амри Холид ибн Аҳмад аз-Зухлий билан Бухорийнинг алоқаси бузилиб қолади. Бунга сабаб амир олимдан саройга келиб, “Ал-Жомеъ ас-саҳиқ”, “Ат-Тарик” китобларидан унинг фарзандларига сабоқ боришлигини талаб қилган. Лекин Бухорий “Мен илмни хор қилиб, уни ҳокимлар эшиги олдига олиб бормаيمان, кимга илм керак бўлса, ўзи келсин. Илм бормаиди, илмга келинади”, деган жавобни айтган эди. Амирга жавоб ёқмай, фитначи, бўқтончи шахсларнинг гапига кириб, Бухорийга шахарни тарк этишни буюради. Шундан кейин имом ал-Бухорий Самарқандга қараб йўл олади ва бирмунча муддат шахар яқинидаги Хартонг қишлоғида ўз шогирдлари ва қариндош-уруғлариникида яшайди, сўнгра оғир касаликка чалиниб, 870 йил 31 августда (ҳижрий 256 йил) да 60 ёшда вафот этади ва шу ерда дафн қилинади. Имом ал-Бухорий авлодларга бой қимматли илмий-маънавий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони 20 дан ортиқдир.

Имом ал-Бухорийнинг “Саҳиқул Бухорий” асарида шундай ҳадис келтирилади: “Икки кишидан бошқа ҳасад йўқ: Аллоҳ мол-дунё бергану уни ҳақ йўлида сарф қилиб юрган ҳамда Аллоҳ ҳикмат ато этгану, у билан ҳукм қилиб, уни ўрганадиган кишига”[6:179].

Имон-этикод масаласига доир Ҳадисларида кўрсатилишича, етук ахлоқнинг мезонлари энг асосийси имонлилик, диёнатликдир. Этикоднинг

инсон ҳаётидаги ўрни Аҳмад Яссавийнинг инсон маънавий камолотида интилиб яшаши лозим, кўнглида эътиқоди йўқ одам эса инсон номига номуносибдир дейди. Пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида эса шундай дейилади: “Ҳеч бирингиз ўзи яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунча мўмин бўла олмайди”[7:133]. Мўмин одамлар унга қонлари ва молларини ишонган одамдир”[8:54]. Шунингдек, “Уч (хислат бор), ким уларни мужассам қилса, имонни мужассам қилибди: инсофли бўлиш, барчага салом бериш, камбағалликда ҳам инфоқ-эҳсон қилиш”[9:142], деган ҳадис орқали ҳам имон-эътиқодли инсоннинг фазилатлари ҳақида билиш мумкин.

Эътиқод бирлиги поклик билан боғлиқ. Ҳадисларда озодалик ва орасталик ҳақида қуйидаги кўрсаткичлар бор: “Аллоҳ таоло покдир, покликни яхши кўради, у саҳийдирки, саҳийликни яхши кўради. Ҳовли, сахн ва турар жойларингизни покиза тутинглар”, “Таҳоратда қўл ва оёқ бармоқлари орасини ҳалол қилувчи, таомдан кейин эса тишларни тозаловчи умматларим қандай яхшидирлар”[10:56]. Демак, поклик имонли одамнинг хусусияти бўлиб, уни ўзида мужассам қилган инсон руҳи ва танасининг саломатлигини сақлаб юрган ҳолда, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлади.

Эътиқод бирлиги тарбия билан боғлиқ. Ҳадисларда тарбия ахлоқни шакллантирувчи ва камол топтиришнинг муҳим шарти сифатида белгиланган. Хусусан, “Фарзандларингизни яхши боқингиз, уларни яхши тарбия қилингиз”; Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобни ҳам яхшиланглар”[11:69].

Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқ-одобдан буюкроқ мерос бера олмайди”[12:46]. Кўриниб турибдики, тарбия ҳам ахлоқий комилликнинг бир мезонидир.

Саломатлик ҳам эътиқод бирлиги билан боғлиқ тушунча. Инсон камолотида жисмоний гўзаллик муҳим аҳамият касб этади. Жисмонан бақувват, соғлом бўлиш нафақат шахсий, балки ижтимоий қадриятдир.

Демак, жамиятимиз ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда, ҳадислардаги ахлоқий қарашлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам мазкур ҳадислардаги ахлоқий принциплар комил инсон сифатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Умуман, кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб

тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилмоқда. 2018 йилда Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказнинг олий диний-маърифий таълим муассасаси шаклидаги Ҳадис илми мактаби ташкил этилди. Ушбу соҳага муносиб ҳисса қўшиб келаётган шахсларни рағбатлантириш мақсадида "Имом Бухорий" давлат мукофоти таъсис этилиши катта тарихий воқеа бўлди.

“Саҳиҳи Бухорий”нинг “Олтин силсила” қомусий китобининг илм сўз ва амалдан олдиндир 10-бобида келтирилишича, Аллоҳ таоло: Билгинки, албатта, “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” (Мухаммад сураси, 18-оят), деган, яъни илмга чақириш билан бошланган? “Уламолар анбиёларнинг ворисларидир. Улар илмни мерос қилиб қолдиришган. Ким уни олса, тўлиқ насиба олибди”. “Ким илм талаб қилиб йўлга чиқса, Аллоҳ унга жаннат сари йўлни осон қилиб қўяди”. Аллоҳ таола зикруҳу айтади: “Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларгина кўрқарлар” (фотих сураси, 28-оят). “Лекин уларга фақат олимларнинг ақли етар” (Анкабут сураси, 43-оят). “Агар қулоқ осганимизда ёки ақл юритганимизда эди, ловуллаган олов соҳиблари орасида бўлмаган бўлар эдик”, дерлар” (Мулк сураси, 10-оят). “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!” (Зумар сураси, 9-оят). Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: “Аллоҳ кимга яхшилиқни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди. Илм фақат таълим олиш биландир” [13:179]. Пайғамбаримиз (с.а.в.) деганлар: “Илмнинг кўтарилиши, жаҳолатнинг қарор топиши, хамр ичилиши ва зинонинг авж олиши қиёмат аломатларидандир”, дедилар. “Илмнинг камайиши, жаҳолатнинг ёйилиши, зинонинг кенг тарқалиши ва аёлларнинг кўпайиб, эркакларнинг камайиб кетиши, хатто эллик аёлга бир яроқли эркак тўғри келиши қиёмат аломатларидандир” (183-оят). “Илм суғуриб олинади, жаҳолат ва фитналар кенг ёйилади, ҳарж кўпаяди” дедилар.

Расулulloҳ (Мухаммад) с.а.в. бундай дедилар: “Уч (киши) учун икки ҳисса ажр бор:

- Аҳли китоблардан бўлган, ўз набийси ҳамда Мухаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламга иймон келтирган киши.

- Аллоҳнинг ҳаққи ҳамда ҳожаларининг ҳаққини адо этган мамлук кул.

- Қўл остида чўриси бўлиб, унга одоб ўргатган ва одоб ўргатишни гўзал адо этган, таълим берган ва таълим беришни гўзал адо этган, сўнгра уни озод қилиб, унга уйланган кишига ҳам икки ҳисса ажр бор”. (195-оят)

Бугунги кунда айрим ёшларнинг турли хил оқимларга кириб кетиши, мутаносиблик, жоҳиллик каби иллатларнинг манбаи ҳам айна илмсизлик, маърифатсизлик ва эътиқодсизликдандир. Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, дин деб дунёни, дунё деб динни унутиб қўймасликни таъкидлаб ўтганлар. Шу боисдан ҳам диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаш зарур. Ҳар қандай дунёвий илм соҳаси диний илм, диний тасаввур билан чамбарчас боғлиқдир. Агар ёшлар ҳар иккала илм соҳасини қанчалик пухта эгалласа, Аллоҳга, давлатга бўлган ишонч ҳам шунчалик ортиб бораверади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплами ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлар” Яссавий ҳикматлари асосида тарбияламоқдамиз, дейишлари ҳам бежиз эмас. “Юнонликлар ҳикматини ўрганибсан, имонлилар ҳикматини ҳам ўрган”, дейди Жалолиддин Румий. Ёки фақат диний илмлар ўқиган кишиларнинг баъзи масалалар хусусида тор ва маҳдуд фикр юритаётганликларига гувоҳ бўламиз.

Яхши олим ва комил инсон бўлиш учун дунёвий илмлар билан бирга имон-эътиқод, поклик, диёнат, ҳаётий муаммо, ташвишлар билан узвий бўлган дин илмини ҳам ўрганишимиз зарур. Фойдали илмлар ўқилса икки дунё соадатига эришиб, юрт ва халққа кўпроқ наф тегади. Севимли пайғамбаримиз ҳам: “одамларнинг яхшиси, одамларга фойдаси кўпроқ теганидир”, деганлар.

Жаҳолат ва нодонлик ҳар қайси даврда қораланган XI асрлардаёқ Аҳмад Яссавий бобомиз “Дуо қилинг нодонларнинг юзин кўрмай” деб зорланган эдилар. Халқимиз ҳам: “Нодон дўстдан доно душман яхши”, деб бежиз айтмайди[14:4].

Хушхулқлик инсоний гўзалликдир, бадхулқлик динсизликка яқиндир. Уламолар барча динларни тадқиқ этиб, Ислом ахлоқ-одоб динидир, деган хулосага келгандир. Ахлоқи юксак кишининг имони ҳам юксакдир. Инсон ахлоқсизлик томон юз бурса, динини бой беради. Ахлоқ имоннинг идишидир. Сениқ идишда сув тумагани каби, ахлоқи бузуқ инсондан ҳам имон сизиб чиқиб кетади, заифлашади. Ҳатто куйфрга олиб бориши мумкин.

Қиёмат кунида одамларнинг энг каттиқ хасрат қиладигани ҳаётида илм олишга имкони бўла туриб, илм олмаган киши ҳамда илм ўргатган ва бошқалар у илмдан фойда топган, лекин унинг ўзи манфаат топмаган қишидир.

Пайғамбаримиз умматларини олимларга омонот қолдирганлар. Илмга ҳиёнат қилган Пайғамбарларга хиёнат қилган ҳисобланади.

Мўминликни илк белгиларидан бири адабдир. Адаб боис илм муяссар бўлади. Илм боис банда Роббисини танийди. Илми бўлсаю одоби бўлмаган киши олим эмас, саркат жоҳилдир. Уларнинг дилозорлиги гоҳо куфр чизиғига етиб боради. Жоҳил-у доно тешиқ пақирдаги сув кабидир. Тешиқни бутламагунча сув идишда турмас. Уни бутловчи восита дононинг сабр-қанотидир. Ёмонники эса ўзига қайтувчи таҳдидли ўқдир. Пайғамбар алайҳиссалом дедилар. “Ким бировни сўкса, аввало у ўзини ҳақорат қилибди. Негаки, эшитувчи ҳам хоҳ ошқора, хоҳ пинҳон жавоб қайтариши шаксиз”. [15:11]

Оилада илмли ва эътиқодли шахсни тарбиялашда дастлаб маърифат, илм ва маънавият орқали тўғрилиқ ва покликни шакллантириш лозим. Ҳадислар илмининг тадқиқотчилардан бири Жўраҳон Саййид Авлиёҳон муқаддас манбаларга таяниб, бундай фикрни илгари сурган: “Илм саҳрода дўст, ёлғизлик дамларида йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида зебу-зийнат, душманларга қарши курашдир”. [16;11] Зеро илм орқали инсон аввало ўзининг ички оламини англайди, шу асосда ички ва ташқи олам вужудга келади. Натижада инсон эътиқодга юз тутаяди. Шунинг учун одамларнинг ҳаммасини ҳам иймонли деб тушуниш тўғри эмас, чунки у бошқалар олдида диний амалларга риоя қилсада, аслида маънавият паст ёки қишлоқлиги туфайли ҳаётида эзгу амалларни бажармайди, аксинча инсон бирор динга эътиқод қилмасада, маънавияти бой, ахлоқи пок инсон бўлганлиги туфайли эзгу ишларни бажариши мумкин.

## ХУЛОСА

Умуман, динга илмсиз амал қилувчилар йўлдан адашган кишилар сингари, уларни қандай йўлга бошласа, ўша томон юраверади. Бугунги кунда динни ниқоб қилиб олган экстремистик ҳаракатлар худди шундай шахслар, яъни диний ва дунёвий илмларни чуқур эгаллай олмаган илмсиз ва диёнатсиз кишилар орқали қабих ниятларини амалга оширмақдалар. Булар нималардан далолат беради? Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида шундай деган эди: “Таълим соҳасининг яна бир энг асосий вазифаси бугунги кун учун зарур бўлган янги авлодни, илм-фан ва ўз

ихтисослиги асосларини пухта эгаллаган билимли ёшларни тарбиялашдан иборатлиги шубҳасиз” [16:230].

Демак, ҳар қандай илм ҳоҳ диний, ҳоҳ дунёвий бўлсин, у инсон қалбини жаҳолатдан сақлайди, уни дунёга, ҳаётга теран назар билан боқишга, ночор ва машаққатли ҳолларда ундан кутулишнинг чораларини топишга, ҳалол ва ҳаромни фақлашга, ҳар қандай фожеанинг олдини олишда нажот йўлини кўрсатади, умуман инсониятни эзгуликка ва саодатга етаклайди. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз (с.а.в.) “Илмни Чингга бориб бўлса ҳам ўрган” ёки “Бир соатлик тафаккур бир йиллик нафл ибодатдан яхшидир” деган фикрни бекорга айтаман. Чунки илм ёрдамида инсон ўзининг ҳар бир амалини ақл тарозисига кўйиб, фикр юритади, бажаради. Тафаккур махсули бўлган ҳар бир ғоя ўз моҳияти жиҳатидан бунёдкорлиги ёки вайронкорлигидан қатъий назар шахс эътиқоди ва илми асосида ҳаётга татбиқ қилинади. Бугунги кунда ёшларимиз онги ва тафаккурида илм билан эътиқод муштарақлигини вужудга келтириб, уларда юксак маънавият-ахлоқий фазилатлари шакллантирмоқ миллатимиз ва давлатимизнинг устувор вазифаси ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси // ЮНЕСКО Халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: “Адолат”, 2004.-92-бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.-28-29-бетлар.
3. Олтин силсила: 1-жилд: Саҳиҳул Бухорий.-Тошкент: “Nilol-nashr”, 2019.-3-4-бетлар.
4. Саҳиқи Бухорий (Ал-жомий ас саҳиҳ) Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти, 2009.-24-б.
5. Саҳиқи Бухорий (Ал-жомий ас саҳиҳ) Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти, 2009.-12-б.
6. Имом ал-Бухорий. Саҳиҳул Бухорий-1. “Nilol-nashr”, 2012.-179 бетлар.
7. Имом ал-Бухорий. Саҳиҳул Бухорий-1. “Nilol-nashr”, 2012.-133 бетлар.
8. Имом ал-Бухорий. Саҳиҳул Бухорий-1. “Nilol-nashr”, 2012.-54 бетлар.
9. Имом ал-Бухорий. Саҳиҳул Бухорий-1. “Nilol-nashr”, 2012.-142 бетлар.
10. Маърифат – тинчлик асоси.-Т.: Тошкент ислом университети нашриёти,- матбаа бирлашмаси, 2009.-56-б.
11. Минг бир ҳадис. – Т.: Моварауннаҳр нашриёти, 1998.-69-б.
12. Имом ал-Бухорий, Ал-адаб ал-Муфрад.-Т.: Ўзбекистон, 1980.-46-б.

13. Олтин силсила: 1-жилд: Саҳиҳул Бухорий.-“Нилol-nashr”, 2019.-179.
14. Муслмоннинг дин китоби.-Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2018.-4-б.
15. Жалолиддин Румий, Най ноласи.-Т.: Юрист-медиа маркази, 2014-11-б.
16. Жўраҳон Саййид Авлиёҳон. Моварауннаҳр саййидлари.-Т.: 1994.-7.
17. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021.-230-б.
18. Умаржонов, С. С. (2022). Онтологияда субстансия ва акциденцияга доир таълимотнинг Фаҳриддин Розий томонидан ривожлантирилиши. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(3), 961–968. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-3-961-968>
19. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyning “Latoif ul-g’iyosiyot” qo’lyozma asarida aql va e’tiqod masalasining qo’yilishi va uning diniy-falsafiy germenevtik tahlili. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(5), 1058-1068.
20. Safarov, M. (2021). Abu Bakr ar-Roziy etikasida insonning o‘z kamchilliklarini anglashi va uni bartaraf qilishi muhokamasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1 (9) 68-71.